



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 30 октябрь, № 224 (7182)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНСОН ҲАЁТИ ОБОДЛИК БИЛАН ТЎЗАЛ

Қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини юксалтириш, улар учун шаҳардагидан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратиш кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан юқори поғонага олиб чиқмоқда. Олис ҳудудлардаги қишлоқ ва маҳаллалар замонавий қиёфа касб этаётгани, инфратузилмаси тубдан янгиланиб, аҳолининг турмуш тарзи тобора ўзгариб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.



«Обод қишлоқ» дастури

“Обод қишлоқ” дастури-га мувофиқ, жорий йилда мамлакатимиз бўйича 174 та тумандаги 368 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудлари комплекс равишда янгиланмоқда. Хусусан, Жиззах вилоятидаги 24 та қишлоқ фуқаролар йиғини меъморий қиёфасини янгилаш ишлари айни пайтда авж паллада.

Шу кунларда қайси бир туманга борманг, албатта, кенг кўламли қурилиш ишлари устидан чиқасиз. Бунёдкорлик юмушларининг асосий қисми Мирзачўл туманида олиб боришмоқда. Натижада ўтган қисқа давр мобайнида туман маркази — Гагарин шаҳридаги Фалаба, Мустақиллик, Мирзада-ла, Дўстлик ва Ержар маҳаллалари ўзгача чирой очди.

Гап шундаки, аввало, бу ердаги 177 та кўп қаватли уй тевараги ноқонуний иншоотлар, пастқам қурилмалар ва чиқиндилардан тозаланди, уйлар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Бундан ташқари, дастур до-

ирасида 233 та тураржой ҳамда 168 оилага мўлжалланган тўрт ва уч қаватли уйлар қурилди. Олдинлари шаҳар қурилишида ҳисобга олинмаган, кўндалик ҳаётда эса жуда асқатадиган тандирхона ва ўчоқ, ўтин сақлаш жойи, хожатхоналар қурилди.



Шунингдек, ҳудуддаги маҳаллаларда янги Хотира боғи, Бахт уйи, барпо этилган бўлса, туман давлат хизматлари маркази янги бинода фаолият кўрсата бошлади. 4 та умумтаълим мактаби, туман тиббиёт бирлашмаси, давлат санитария-эпидемиология назо-

рати маркази, 5 та мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирдан чиқарилди, 250 ўринли марказий поликлиника қурилди, давлат-хусусий шериклик асосида битта мактабгача таълим муассасаси иш бошлади.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Уй-жой кодексига киритилаётган ўзгаришлар баҳс-мунозараларга сабаб бўлди

Бугун оилаларда хотин-қизларнинг ўрни қандай? Турли сабабларга кўра никоҳдан ажрашган аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада таъминланмоқда? Мол-мулк ҳуқуқи қандай кафолатланипти?

“Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида ушбу масалалар акс этган бўлиб, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, оилавий ажримларни ва унга боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, хотин-қизлар ҳамда фарзандларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мазкур ҳужжат депутатлар, мутахассислар, экспертлар, олимлар иштирокида қизгин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Хотин-қизларни кўлаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент кули палатасига киритилгани таъкидланди.

Тақлиф қилинаётган қонун лойиҳасида мулкдор билан доимий яшаётган, оилали фарзандлари билан биргаликда мулкдорнинг оилали фарзандларининг хотинлари (эрлари) ҳам агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, ўзаро келишувга биноан, уй-

жой мулкдорининг оила аъзоси сифатида тан олинishi назарда тутилмоқда. Бунинг натижасида Уй-жой кодексининг 32-моддаси биринчи қисмига асосан, мулкдорнинг оилали фарзандларининг хотинлари (эрлари) ҳам оиланинг бошқа аъзолари билан биргаликда олиш, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишига замин яратилади.

Депутатларнинг фикрича, мазкур ўзгариш хотин-қизларнинг никоҳдан ажралган ҳолларда мулкдорнинг уй-жойида фойдаланиш, мазкур уй-жойга ўзининг фарзандларини ҳам кўчириб киритиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва оилавий ажримларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бу иштирокиларнинг қизгин тортишувларига сабаб бўлди. Алоҳида урғу берилганидек, ушбу норма фақатгина оила аъзолар сафини кенгайтириб, уларни бошқа оила аъзолар каби уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини беради ҳолос. Яъни мулк муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартирмайди.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, қонун лойиҳаси аввалроқ сиёсий партияларнинг фракциялари ҳамда Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи ййғилишларида концептуал жиҳатдан қўриб чиқилганда ҳам депутатлар ўртасида баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган эди.



Ўзбекистон — Италия: ЗАМОНАВИЙ КЛАСТЕРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Италиянинг “Евросийёни билиб оламиз” нотихорат уюшмаси ва Россиянинг Конгресс жамғармаси томонидан Италиянинг Верона шаҳрида ташкил этилган “Инновациялар санъати: Атлантикадан Тинч океанигача ишончга асосланган иқтисодий ва бизнес дипломатияси” XI Евросийё иқтисодий форумида иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Тантанали очилиш маросимида Италия бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Маттео Сальвини нутқ сўзлади. Форумда 40 та мамлакатдан қарийб 1,5 минг нафар ишбилармон ва сиёсий доиралар, 850 та компания ва халқаро ташкилот вакиллари, сиёсат ва жамоат арбоблари, дипломатлар, экспертлар, журналистлар қатнашди. Унда энергетика, молия, транспорт, инфратузилма лойиҳалари, янги технологиялар ва инновацион қишлоқ хўжалигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси форумнинг барча тадбирларида, шу жумладан, ялпи мажлисда фаол қатнашди, иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан икки томонлама учрашувлар ўтказди. Мамлакатимиз Верона форумида ўзининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини намойиш қилиш учун тақлиф этилган ягона давлат бўлди.

Италия ва бошқа чет давлатлар компаниялари ҳамда банкларининг қарийб 100 нафар вакиллари иш-

тирок этган “Ўзбекистон ва Италия: истиқболдаги умумий лойиҳалар” сессиясида ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга доир тақлифлар қўриб чиқилди. “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси ҳудудига рентген ускуналари ишлаб чиқарувчи корхона очиш, Бухоро вилоятидаги Газли конидан газ қазиб олиш учун компрессор станциялар етказиб бериш, юртимизда кластерлар ва саноат зоналарини ташкил этиш каби самарали режалар шулар жумласидандир.

Иқтисодий форум якунида истиқболли келишувларга эришилди. Шубҳасиз, улар Ўзбекистон ва Италия ўртасида иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Мунисхон КАРИМОВА.

Депутат фикри

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАДА ТЎПЛАНИБ ҚОЛГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган кўлгина муаммоларнинг ечимини топиш, уларни бартараф этишда давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этиш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда. Буни айни пайтда ушбу механизм асосида самарали фаолият олиб бораётган ижтимоий соҳа ташкилотлари, айниқса, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги ихчам, барча қулайликка эга болалар боғчалари, мактаблар мисолида яққол қўриш мумкин.

Маълумки, бундай муассасалардаги харажатларнинг муайян бир қисми бюджетдан субсидиялар ажратиш орқали қопланади. Шу боис тадбиркорлик субъектлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга масканлар очилмоқда. Бунинг эвазига уларнинг ҳам фойда олиш имкониятлари кенгаймоқда, ҳам ҳудудлардаги социал муаммолар ечилиши йўлида салмоқли қадамлар ташланаяпти.

Президентимизнинг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса бу борада ҳали ишга солинмаган салоҳиятни юзага чиқаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Сабаби унда давлат-хусусий шериклик тизимини янада ривожлантириш, соҳада

ҳуқуқий ва институционал базани мустаҳкамлашдек устувор вазифалар белгилаб берилди. Уларнинг ижроси эса соҳада ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида шериклик асосида ишлаётган ташкилотларнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.



Сенатор мушоҳадаси

БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Йил якунига қадар Ўзбекистонда экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ўтган йилдагига қараганда 30 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бинобарин, 2017 йилда 665 миллион АҚШ долларига тенг 918 минг тонна мева-сабзавот четга сотилган. Табиийки, кўрсаткичларнинг ўсиши замирида аграр сектордаги таркибий ўзгаришлар, инновацион технологияларнинг самарали қўлланилиши, маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб беришдаги менежментнинг тизимли йўлга қўйилгани каби тадориқлар сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжат экспорт салоҳиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ва мамлакатимизда етишти-

рилган мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга етказишнинг комплекс тизимини шакллантиришга йўналтирилган. Унга кўра, экспорт механизми анча соддалаштирилди. Масалан, энди юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотларини олдиндан тўловсиз, аккредитив очмаган ҳолда, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартнома-

сини сиёсий ва тижорат хавфларидан сугурта қилиш полисисиз экспорт қилиш имкониятига эга бўлди. Бу кўпчилик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий операцияларни расмийлаштиришнинг мураккаб тартиб-таомиллари билан боғлиқ узоқ қоғозбозликдан ва қўшимча харажатлардан халос қилди.



Марказий Осиё: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ СИЁСАТИ

Ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш... Айни пайтда Марказий Осиё мамлакатларининг позицияси ва диққат-этибори ана шу масалаларга қаратилган.



Минтақадаги давлатларнинг сиёсий иродаси ҳамда экспертларнинг эътирофи-ча, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари туфайли Марказий Осиёдаги сиёсий муҳит бутунлай янгиланди. Мамлакатлар барча соҳада яхши қўшничилик, ўзаро манфаат ва ҳурмат тамойиллари ҳамда манфаатларга асосланган конструктив ҳамкорлиқни ривожлантиришда кучли иштирокчи ва улкан салоҳиятни намойиш этмоқда.

Минтақанинг етакчи таҳлил марказлари иштирокида кеча пойтахтимизда бошланган Марказий Осиё экспертлар форумининг биринчи мажлиси ҳам давлатлараро шерикликнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиш, уни янада ривожлантиришнинг истиқболларига бағишланган.



Эксклюзив интервью

Наталя ГЕРМАН: «Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли минтақада ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда»

Марказий Осиё экспертлари форумининг биринчи ййғилиши доирасида БМТ Бош қотибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталя Герман минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.



— Мазкур тадбир, шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб мавзусига жавоб бўла олади. Зеро, унда Марказий Осиё давлатларининг ўзлари мавжуд ма-

салаларга биргаликда ечим топишда ва ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қўриб чиқишда.



ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҶАДА ТЎПЛАНИБ ҚОЛГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

1➡ Қарорда Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шериклини ривожлантириш агентлиги ташкил этилиши белгиланди. Унга ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш, давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш вазифаси юқарида. Ҳужжатга мувофиқ, Агентлик давлат-хусусий шериклини ривожлантириш бўйича тармок дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самардорлиги ва афзалликларини баҳолаш услубини ишлаб чиқади, бу соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда идоралараро

мувофиқлаштиришни таъминлайди, лойиҳалар концепцияларини тайёрлашда вазирлик ва идораларга кўмаклашади. Айни чоғда шериклик лойиҳалари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама ёрдам беради. Лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари, шу жумладан, юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг таклифларини кўриб чиқади. Лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланилишини, лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалиётини мониторинг қилиб боради. Қолаверса, давлат-хусусий шериклини ривожлантириш масалаларида инвесторлар, халқаро молия ва донор ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятла-

ри, шунингдек, бозорнинг бошқа қатнашчилари билан ҳамкорликни ташкил қилади.

Қарорда мазкур давлат муассасаси давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сийёсатини юритиш бўйича махсус ваколатли орган эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бинобарин, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, танлов ҳужжатлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар лойиҳалари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар мажбурий тартибда ушбу агентлик билан келишिलाди.

Мазкур янгиликлар тегишли қонунчиликни янада такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Айнан шу мақсадда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бу эса парламент

Абдигани УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

1➡ Қолаверса, шу йилнинг август ойидан бошлаб бундай маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича нарх белгилаш тартиби ўзгарди.

Шу билан бирга, экспорт қилувчиларга қўйилган талаблар кучайтирилди. Жумладан, экспортдан тушган фойдани ўз вақтида таъминламаган ташкилотлар Масъулиятсиз мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар рестрига киритилади. Экспорт қилишда уларга нисбатан 100 фоизлик олинган тўлов олиш талаби қўлланилади.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари улғуржи савдо билан шугулланиш учун лицензиясиз мева ва сабзавотларни экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Келгусида мазкур лицензияни умуман бекор қилиш режалаштирилётганини ҳам қайд этиш жоиз. Яқка тартибдаги тадбиркорлар бу хилдаги экспортдан тушган фойдаланиш ягона солиқ тўловини тўлаши керак.

Ҳужжат билан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини божхона назоратидан ўтказиш тартиб-таомиллари ҳам соддалаштирилди. Шунингдек, унда

етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини оширишга қаратилган янгилик ҳам мавжуд. Масалан, тадбиркорлик субъектлари ўзларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини сўғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун энгил конструкцияларни барпо этишлари мумкин. Бунинг аниқ тартиби кейинроқ тасдиқланади.

Давлатимиз раҳбарининг қарори мева ва сабзавотлар экспортини мувофиқлаштириш, экспортчиларга сотиш учун бозорлар излашда ёрдам беришга доир қўшимча чора-тадбирларни ҳам назарда тутди. Бундай мажбуриятлар Ташқи савдо вазирлиги зиммасига юкланган бўлиб, вазирлик экспортчилар билан ҳар ойда учрашувлар ўтказди. Экспортчилар ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар уюмчасига бирлашади. Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бизнес-омбудсман бунда кўмаклашади.

Кейинги йилнинг март ойига қадар интернет тармоғида Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот портали ишга тушиб, у

“TradeUzbekistan.com” электрон савдо майдони, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ахборот тизимлари билан бирлаштирилади. Портал мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар, потенциал импорт қилувчилар тўғрисида ахборот олиш, шунингдек, экспорт жараёнининг барча босқичини реал вақт режимида кузатиш имконини яратди.

Яна бир муҳим гап. Қарорда “Ўзстандарт” агентлигига халқаро даражада тан олинган “Global GAP”, “Hala” ва “Organic” ташкилотлари билан уларнинг сертификатларини жорий этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш топширилди.

Бундан ташқари, кўплаб ваколатли идораларга тегишли топшириқлар берилди, уларни бажариш учун шахсан жавоб берадиган мансабдорлар аниқлаб олинди. Қарорда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши маилкатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтиришда аниқ натижаларни беради.

Икром КАРАТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ИНСОН ҲАЁТИ ОБОДЛИК БИЛАН ГЎЗАЛ

1➡ Айтиш жоизки, мирзачўлликлар ўнлаб йиллар давомида тоза ичимлик суви танқислигидан қийналишган. Истеъмолга яроқсиз лоток ва сизот сувлардан фойдаланилиши, Гагарин шахрининг канализация тармоғи тўлиб қолиши, қувурларнинг эскириши натижасида аҳоли ўртасида турли касалликлар кўпайишига сабаб бўлган. Дастур асосида коммунал соҳада олиб борилаётган ишлар туфайли бу каби муаммолар ўз ечимини топомоқда. Чунки 51,4 километр ичимлик суви, 11 километр табий газ, 54,8 километр электр тармоқлари тортилди. 5 километрга яқин канализация тармоқлари таъмирланди ва янги-дан қурилди. 30 га яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга



парвариш қилинмоқда. Маҳаллаларда янги уй-жойлар қуриш, ободонлаштириш юмушлари билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Натижада “Мирзачўлтекс”, “Мирзачўл тикувчилик мажмуаси”, “Мирзачўл

мелиоратор”, “Мирзачўл чорва комплекси” каби ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилиб, маҳаллалардаги аҳолининг мингдан зиёди иш билан таъминланди.

Мирзачўлнинг бугунги жамоли нафақат ҳудуд аҳолиси, балки тақдири шу замин билан

боғлиқ бўлган инсонлар, аниқроғи, шу ерда туғилиб ўсган, айни пайтда хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ва тандошларимиз қалбида ҳам ажиб ҳислар уйғотмоқда. Бу эса уларни киндик қони тўкилган жойга келиш, кадрдонлар билан дийдорлашишга ундамоқда.

Гагарин шахрига келаётганлар билан гаплашиб, ҳузур қиласиз. Сўхбатдошларнинг ҳис-ҳаяжонлари сизни бамисоли уларнинг навқиронлик йилларига олиб кетади.



Ирина КАН (МИРОНОВА), ўқитувчи:

— 1988 йилда турмуш ўртоғимнинг иш жойи ўзгаргани туфайли Россиянинг Қозон шаҳрига кўчиб кетган эдик. Шундан бери Ўзбекистонга энди келишим. Аммо дугоналаримдан Мирзачўл тўғрисида сўраб турардим. Гагарин шаҳридаги бунёдкорликларни кўриб, тўғриси, севиниб кетдим. Ота-онанинг қабри шу ерда. Кўпдан буён уни обод қилиш ниятида юрардим. Ишонасизми, қабристонга бориб, лол қолдим. Сабаби, биз каби хорижда юрган инсонларнинг яқинлари қўним топан сўнгги маъзиллари ўзбекона бағрикенглик билан обод қилинибди. Ҳатто ўзига хос диний удулларни бажариши учун махсус жойлар қилинибди! Бундай эътибор мени тўлқинлантириб юборди. Қўзларимга ёш келди. Ўзбекистонда туғилганимдан, шу ерда тарбия олганимдан фарланаман!

Инсон қаерда бўлмасин, ўзи туғилиб ўсган заминга талпиниб туради. Гагаринга ўтган жойларни қўмсаяди. Сен учун кадрдон гўшага кўнгил тортиб келган чоғда у ер обод, ораста ва гўзал бўлса, қандоқ яхши-а?!

Владимир ШАМАНОВ, Россия Федерацияси Давлат думаси федерал мажлисининг мудофаа қўмитаси раиси, Россия Қаҳрамони:

— Мен Гагарин шаҳрида туғилиб ўсганман, шу ердаги 1-мактабда саводим чиққан. Болалигим ўтган ушбу кадрдон шаҳар манзаралари кўз ўнгимда муҳрланиб қолган...

Қаранг, орадан қанча йиллар ўтди. Ўзбекистонга келиш, таълим берган устозларимни, бирга ўйнаб ўсган синфдошларимни кўришни доим ният қилиб юрардим. Мана, бугун орзуимга эришдим. Ўша ўзим ўқиган мактабим, синфимга кирдим. Бу ерда таҳсил олаётган жажжи болалар билан сўхбатладим. Уларнинг бир неча тилда гаплашиши мени ҳайрон қолдирди. Мактабнинг янги стадиони ва спорт комплексининг очилиши мени жуда руҳлантириб юборди.

Гагарин шаҳри, умуман, Ўзбекистондаги ўзгаришлар катта. Ривожланиш суръати жадаллашган. Бунёдкорлик ишлари авжда... Булар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Энди болалигим ўтган юртга тез-тез келиб туришга қарор қилдим.

Баянжан ЖУМАХАНОВА (Қозоғистон):

— Гагаринда менинг опам яшайди. Телефонда сўхбатлашганимизда у менга бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб берган эди. Келиб кўрганимда, тўғриси, жуда ҳайратга тушдим. Фақат ўз Ватанига меҳр қўйганларгина бир ярим ой ичида шаҳарни бундай ўзгартира оладилар. Очигини айтаман, аввалги келганларимда фақат кўнгилда ёмон таассуротлар қолар эди. Мураккаб яшаш шароити, эски, қўримсиз биноларда ҳаёт нақадар огирлигини ҳис қилиш қийин эмасди. Бугунги шаҳар қиёфасини сўз билан таърифлаш қийин. Ва, албатта, одамлар ҳам ўзгарган, уларнинг юз-қўзларида бахт, қувонч порламақда. Бу, тахсинга лойиқ.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига биноан, Гагарин шаҳрида олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб, шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларига кўтаринки кайфият улашмоқда.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон – Россия ёшлари форуми

Анжуман муносабати билан юртимизга Россиядан тадбиркорлик, журналистика, туризм ва бошқа соҳаларда фаолият олиб бораётган 82 нафар йигит-қиз ташриф буюрди.

“Ўзбекистон — Россия ёшлари форуми: ҳамкорлик, ташаббус ва инновация” деб номланган ушбу тадбир Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан Россия ёшлар иттифоқи ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумига мувофиқ ўтказилмоқда.

Дўстлик ришталари

Форумнинг очилишида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг яқинда юртимизга давлат ташрифи давомида кўплаб соҳалар қатори ёшлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик муносабатларини янада кенгайтириш бўйи-

ча ҳам қатор келишувларга эришилди.

Мазкур анжуман ҳам бу борадаги ишларнинг мантикий давоми сифатида йигит-қизлар ўртасида тадбиркорлик қўнимчаларини ривожлантириш, сайёҳликни тарғиб этиш, дунёқарашини юксалтириш, ўзаро фикр алмаштиришга имконият яратгани билан аҳамиятлидир.

Иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди “Invest Consulting Realty” МЧЖ бош директорининг ўринбосари, бизнес-психологи Елена Неверт. — Юртингизнинг жозибаси, одамларнинг юзидagi илиқлик, миллий таомларнинг гўзаллиги — барчаси ажойиб, бетакрор. Форум ёшлар табиатига хос жўшқин руҳда ўтмоқда. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар келажақда ўз мевасини беришига ишонамиз.

Беш кун давом этадиган форумда турли учрашувлар, давра сўхбатлари, концерт дастурлари ва бошқа маданий тадбирлар ташкил этилди. Россиялик ёшлар Самарқанд ва Бухоронинг қадимий обидаларини ҳам бориб кўришади.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«ЭНГ ЯХШИ УЙ»

Танловда иштирок этишга
таклиф қىلىмиз!

Уй-жой фондини профессионал бошқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ассоциацияси «Шарқий Европада уй-жой ҳўжалиги (ИБО)» (Германия) ташаббуси билан ҳамкорликда Европа иттифоқининг гранти бўйича «Ўзбекистон ва Қозоғистонда уй-жой фондини профессионал бошқариш» («PRO HOUSE — Professional Housing Management in Kazakhstan and Uzbekistan») лойиҳасини амалга оширмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида ассоциация Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўмағида «Энг яхши уй» танловини эълон қилади.

Танловда уй-жой мулкдорлари ширкатлари, танлов талабларига жавоб берадиган уйлар юридик шахс ташкил қилмасдан қатнашиши мумкин.

УШБУ ТАНЛОВ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲУДУДИДА ЎТКАЗИЛАДИ ва ундан қуйидаги мақсадлар кўзланган:

а) уй-жой эгаларини кўп хонадонли уйдаги умумий мулкни яхшилаш ва асраб-авайлашга рағбатлантириш;

б) уй-жойни бошқариш бўйича энг яхши тажрибаларни жамлаш;

в) турли манфаатдор томонларни кўп хонадонли уйларга энергия тежаш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқаришга жалб этиш.

Танловда совринли ўринларни
эгаллаган қатнашчилар қимматбаҳо совға —
принтер (1 донa) билан тақдирланади.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар
2018 йил 15 ноябрга қадар
қабул қилинади.

Танловни ўтказиш шартлари билан
www.mjko.uz
сайтида танишиш мумкин.

Таклифларингизни қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент ш., Ниёзбек кўчаси, 2, 24-офис.

Тел.: 71-235-90-31,
90-175-31-24 — Башорат Жумаева,
93-534-80-33 — Наталья Вишнеvская.
Электрон почта: 1. luchshiy_dom_tanlov@mail.ru
2. 2018_tanlov_uk@mail.ru

ВГБ

ООО «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель
гравитационный
МС-200

Технические
характеристики:
МС-200, геометрический
объем барабана — 200 л, время
перемешивания — 120 секунд,
объем готовой смеси — 110 л,
объем загрузки — 150 л, номи-
нальная мощность — 1 кВт,
напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель
гравитационный
СБР-500А.1

Технические
характеристики:
СБР-500А.1, геометрический
объем барабана — 500 л, время
перемешивания — 90 секунд,
объем готовой смеси — 270 л,
номинальная мощность —
1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц,
вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: 97-760-86-00, 90-370-86-86.

Нуктаи назар

Марказий Осиё Ўрта асрларда исломий илмлар маркази сифатида тан олингани, шубҳасиз. Бу маълум даражада салафия (XII-XIII асрлар) таълимотини илгари сурган араб уламоларининг айрим ҳолларда радикал жавобини келтириб чиқарган, бу моҳиятан ҳалифалик илдизларига қайтиш учун асос бўлди ҳамда кейинчалик замонавий “Ҳизб ут-таҳрир” ва сохта салафий гуруҳлар томонидан восита қилиб олинди.

ЧЕТДАН ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК НИҚОБИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЪНАВИЯТСИЗЛИККА ТАҚЛИД ҚИЛМАЙМИЗ!

Ўрта асрнинг мутаассиб доиралари Марказий Осиёдаги ислом таълимотларини қабул қилмагани ва уларга доимий равишда қарши чиққанлигининг асосий сабабларидан бири минтақа мактаблари фаолияти ўта кучли бағрикенглик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилгани, бунда ўз ғоялари билан ўша даврнинг миллионлаб одамларини бирлаштирган Баҳоуддин Нақшбанд, Ғиждувоний, Хўжа Ахрор Валий таълимотларига асосланган маънавият таъминланганидан иборат.

Жаҳоннинг энг тан олинган уламо-ларидан бири Имом ал-Бухорийнинг бутун ислом оламида эътироф этилган “Саҳиҳ” ҳадислар тўплами нафақат пайғамбаримиз (с.а.в.) тўғрисидаги уйдирма ва ёлғондан ҳолис ривоятлар ва ҳаётий давларидаги таърифлари, мулоҳазаларининг ҳаққонийлиги, балки яна ўша ғоялар — бағрикенглик ва эзгуликни ўзида мужассам этгани билан ҳам ҳадисларнинг бош манбаи бўлган ва бўлиб келмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўп ҳолларда инквизицияга хос жазолашчи функцияларга эга харбийлашган силсила ва орденлар ҳисобланган суфий оқимлари ва мактабларидан фарқли ўларок, Марказий Осиёдаги исломда тасаввуф, биринчи навбат-

да, эзгулик ва бағрикенгликка асосланган.

Марказий Осиё тасаввуфи борасида сўз юритилганда, мутахассислар ва мутахассис бўлмаганлар минтақадаги тасаввуфни Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Сўфи Оллоёр, Машраб номлари билан боғлайди.

Ислом динида маърифат, умуман, фан, эзгулик ва юксак бағрикенглик халқлар ирсиятига сингиб борган ҳамда юксак маънавиятнинг бош жипслаштирувчи кучи сифатида Марказий Осиё давлатлари раънақининг асоси бўлиб хизмат қилган. Бу таъомиллардан чекиниш, ҳеч шубҳасиз, бугунги Марказий Осиё жамиятларида бекарорлик ва таназулани келтириб чиқариши мумкин.

Бугун Ўзбекистон жамият қурилишининг дунёвий принципларига асосланган, умуминсоний ва диний қадриятларнинг соғлом мувозанатини қўллаб-қувватлаётган ҳар томонлама дунёвий давлатдир. Таассуфки, замонамиз турли таҳдидлар билан тўқнашмоқда. Улар орасида ташқаридан ўтказилаётган агрессив ақидапарастлик ҳам бор.

Давлат ва жамият ислом шiori остидаги экстремизм ва терроризмга қарши турмоқда. Бу таҳдидлар экстремизм ва терроризм чегара билмасли-

ги сабабли мамлакатимиз томонидан барқарорлик, хавфсизлик ва изчил тараққиётга реал хатарлар сифатида қўрилаётди. Ҳозирги даврда дунёда ушбу таҳдидлардан ўзини тўлиқ ҳимоялаган давлатнинг ўзи йўқ. Бу таҳдидларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши сабаб-оқибатларига эътибор қаратмай, ўрганмай, тегишли чора-тадбирларни қўлламай туриб, уларга қарши туришнинг имкони йўқ. Зеро, глобаллашув ва шиддатли ўзгарувчанлик, бир мамлакат ўз манфаатларини бошқа мамлакат манфаатларини ҳисобга олмасдан, илгари суриши билан боғлиқ жараёнларнинг ноаниқлиги замонавий дунёнинг қўринишларидан бири бўлиб қолди.

Экстремизм ва терроризм алоҳида мамлакат ва минтақаларни бекарорлаштириш мақсадида қўлланадиган воситага айланапти.

Шу билан бирга, булар нега айнан ислом байроғи ва шiorлари остида қилинапти, деган саволга мутахассислар, диннинг бирлаштирувчи функциясини инобатга олган ҳолда, радикалларнинг динга мурожаат этишини ўзини ислом қадриятлари асосида бирлашган халқ номидан ҳаракат қилаётгандек қўрсатишга уриниш сифатида изоҳлайдилар.

Амалда, мутахассислар таъкидлашча, радикализм XX асрнинг 70-йилларида Лотин Америкасида ўша вақтда ғоя сифатида энг жозибдор ҳисобланган коммунизм шiorлари остида ўзини фаол намён этган. Шу билан бир қаторда, ўша пайтда халқаро коммунизм ҳаракати Лотин Америкасида бекарорлашувга эришиш мақсадида турли радикал тузилмаларни қизганмасдан молиялаштиргани ҳисобга олинса, буюртмачилар ва маблағ мавжуд

юзаки тушуниш оқибатида шовмашоварлик билан ўрганиб олинган ибораларга асосланган қатъийлик кўзга ташланади. Ушбу хулқ-атвор бундай одамлар сай-ҳаракатларининг сабаби чуқур, астойдил имон билан эмас, балки сохта диндорлигини атрофдагиларга кўз-кўз қилишга уриниш билан чекланган. Исломда бирор-бир нарсани кўз-кўз қилиш “риё” тушунчаси билан таърифланади.

Ислом нуктаи назаридан номақбул

Бундай жамиятда эътиқод қилувчилар орасида шак-шубҳасиз обрўга эга дин арбобларининг бир гуруҳи бўлиши лозим, улар эътиқод қилувчиларнинг у ёки бу масалага муносабатини, шу жумладан, асл имонли инсон учун “риё”нинг номақбуллиги тўғрисида онгли тушунчани шакллантириши, имон хўжақўрсинга эмас, қалбда, юракда эканлиги, шу билан бирга, инсоннинг хулқ-атворида ҳам намён бўлиши лозимлиги, қолаверса, юзакилик имон сустлигидан далолат эканини етказишлари керак. Диншунос мутахассислар катта афсус билан замонавий жамиятда дин вакиллари муҳитида бир жиҳат — конформизм, яъни мурасчиликка мойиллик кузатилаётганини таъкидламоқда. Айни пайтда мурасчилик уларда “риё” масаласи борасида ўз муносабати йўқлигидан далолат беради, оқим билан бирга ҳаракат қилиш, “сизга ҳам, бизга ҳам” қабилида бестарафлик кузатилади.

Эҳтимол, чуқур эътиқод билан шакланган муносабатнинг мавжуд эмаслиги қайта кўриб чиқирилиши лозимдир. “Риё” эътиқод қилувчининг хулқига, моҳиятан дунёвий бўлган жамият мантиқига ҳам мос келмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ислом тамаддунидаги ўрнини у ёки бу даражада тан олган қатор хорижий мутахассислар шу соф ислом тамаддуни макони ташқарисидан туриб бизга ёт қарашларнинг сингдирилишига йўл қўймаслик лозим, деб ҳисоблайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бир нарсани тушуниш олиш лозимки, биз ва фақат биз ўз қондаларимизни ўзимиз ўрнатамиз ва тартибни белгилаймиз. Четдан дунёвийлик ёки динийлик ниқобида ўтказилаётган маънавиятсизликка тақлид қилмаймиз!

Фаррух БЎТАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Танловда иштирок этишга таклиф қилимиз!

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВЧИЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИШ ТАЖРИБАСИ»

Уй-жой фондини профессионал бошқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ассоциацияси «Шарқий Европада уй-жой хўжалиги (ИВО)» (Германия) ташаббуси билан ҳамкорликда Европа иттифоқининг гранти бўйича “Ўзбекистон ва Қозғистонда уй-жой фондини профессионал бошқариш» («PRO HOUSE — Professional Housing Management in Kazakhstan and Uzbekistan») лойиҳасини амалга оширмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида ассоциация Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўмағида **«Ўзбекистондаги ташкилотлар профессионал бошқарувчиларининг энг яхши иш тажрибаси»** танловини эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун қуйдагилар таклиф этилади:

- бошқарув/хизмат кўрсатиш компаниялари/ташкilotлари;
- тураржойларнинг профессионал бошқарувчилари;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналари;
- тураржойларни профессионал бошқариш ҳамда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи ёки бошқарувида кўп хонадонли уйлар бўлган ва танлов талабларига жавоб берадиган барча жисмоний шахслар.

УШБУ ТАНЛОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ундан қуйдаги мақсадлар қўзланган:

- илғор тажрибани оммалаштириш ва уй-жой секторига профессионал бошқарувнинг аҳамияти ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш;
- уй-жойни бошқариш бўйича энг яхши тажрибаларни жамлаш;
- турли манфаатдор томонларни кўп хонадонли уйларда энергия тежаш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқаришга жалб этиш.

Танловда совринли ўринларни эгаллаган қатнашчилар қимматбаҳо совға — принтер (1 дона) билан тақдирланади.

Танловда иштирок этиш учун хўжатлар **2018 йил 15 ноябрга қадар** қабул қилинади. Танловни ўтказиш шартлари билан **www.mjko.uz** сайтида танишиш мумкин.

Таклифларингизни қуйдаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Ниёзбек кўчаси, 2, 24-офис.
Тел.: 71-235-90-31.
Электрон почта: 1. luchshiy_dom_tanlov@mail.ru
2. 2018_tanlov_uk@mail.ru

«ELXOLDING»

ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛАР

Тўлов шакли —
ТУРЛИЧА
ВА КРЕДИТГА.

**Тел.: 93-330-50-00,
71-239-12-54.**

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 063 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибиона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси

**Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.**

Тел.: 93-555-00-95,
93-555-12-88,
71-291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертификатланган.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйдаги махсулотларни такдим этади:
**гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ**
гофраси баландлиги: С-18, С-35, С-57
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 39 700 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 49 800 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 71 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 53 200 сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 57 600 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: **90-996-96-63, 99-871-88-99.**